



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 23 июл, сешанба №117 (1334)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«САЛОМАТЛИК»НИНГ ХАЙРЛИ САФАРИ

Қорақалпоғистонга кейинги бир ой ичида «Саломатлик поёзи» иккинчи марта ташриф буюрди. Бу Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурига асосан Оролбўйи аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган амалий ишлардан биридир.

Дастлаб келган шифокорлар бир hafta давомида республиканинг 6 туманида 12 минг кишини тиббий кўриқдан ўтказди.

— Бу галги поездда яна 35 нафар шифокор ташриф буюрди, — дейди «Саломатлик поёзи» раҳбари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Дамин Асадов. — Айни пайтда 10 миллион сўмликдан ортиқ дори-дармонлар келтирилди. Ўлка аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бундай хайрли ишлар давом эттирилади.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАКЛИ

Олдимида турган муаммоларни ечиш ва муддаога эришиш учун биз — омма етакчилари одамларнинг қувончу ташвишларини ўз юракларимиздан ўтказишимиз, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашимиз даркор. Бозор шароитида муаммолар етарли, албатта. Бироқ, Ўзбекистон шароити, ҳўжалиқлардаги имконият яхши натижаларга эришиш, иқтисодийнинг йил сайин юксалтириш учун етарлидир.

Дала айланиб, тер тўкиб ишлаётган одамларга меҳр билан боқарканман, уларга шарт-шароитлар яратиш, яхши дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаш учун касабакўм раиси сифатида қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Деҳқонларимиздаги иштиёқ, эртанги кунга бўлган ишончни кўриб, янада руҳланаман.

Ширкат ҳўжалигида 5692 нафар киши истиқомат қилади. Шундан 2377 нафари моддий неъмат яратмоқда. Сўнгги вақтларда ютуқлар омили ҳақида гаплар бўляпти. Бош омил ҳўжалик раҳбарияти ва касабакўм уюшма қўмитаси икки томонлама ўзаро манфаатли шартномаларнинг муваффақиятли бажарилишига эришайётгандир. Демокчиманки, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилганидек, ўз меҳнати билан ризқ-рўз яратаётган одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбатини айни мана шу омил белгиламоқда. Кузатишларим натижасида шундай хулосага келдим: қайси ҳўжалик оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, у истиқболини йўқотди.

Бизда 16 ёшга тўлган ва ҳаттоки, ўн тўрт ёшда ўн беш ёшли йигит ва қизлар ҳам аввало ота-оналари, қолаверса, ўзларининг хоҳиш-истаклари билан имкон қадар ҳўжалик фаолиятида иштирок этмоқдалар. Шу аснода ўтган йили 76 йигит ва

қиз ишга қабул қилинди. Уларга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Жамоа шартномаси, жамоа келишувлари каби меъёрий ҳўжатлар моҳиятини тушунтиришда ҳўқуқшунос ҳамда касабакўм уюшма фаолларининг хизмати катта бўляпти. Аёллар, уруш ва меҳнат фахрийлари имтиёزلардан унумли фойдаланишмоқда.

Инсон қайси жабҳада ишласин, ўз меҳнатидан баҳра олиб, кадр топиб яшамоғи лозим. Манфаатдорлик ошса, ишловчи меҳнати қадрланса янги ташаббуслар юзага келади. Бултурдан бошлаб маошга барака кирди. Бу йил ушбу кўрсаткич бир ярим бараварга ошиши кўтилмоқда.

Ҳўжалигимизда кичик ва ўрта бизнес ва тadbirkorликни ривожлантиришга алоҳида масъулият билан ёндашилади. Жорий йилнинг биринчи чорагида 15 та янги фермер ҳўжалиги, 4 та кичик қорхона иш бошлади. Юздан ортиқ кўшимча иш ўринлари яратилди. Шахсий ибрат кучини ҳаммаша ёдда тутаман. Ўйлаб қарасам, хонадонларда қўлигул хотин-қизларимиз истиқомат қилишадди. Мутасадди раҳбарларнинг кўмаги остида «Қамарой» кичик қорхонасини очишга муваффақ бўлдим. Бу ерда ҳаётимиз гуллари зардўзлик касбининг жозибасини намойиш этиб, ажойиб маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари «Далмун» фольклор дастамиз ҳам бор. Даста санъаткорларининг дилрабо кўшиқлари одамларимизга кўтаринки руҳ бағишламоқда. Хуллас, эзгу ниятни дилга жо этиб, мақсад сари дадил интилайётганимиз ўзининг кутилган натижасини бермоқда.

Қамаров ЭШНИЁЗОВА, Жондор туманидаги «Бўхоро» ширкат ҳўжалиги касабакўм уюшма қўмитаси раиси.



Бўстонликдаги «Чимён» болалар оромгоҳида шу кунларда 600 дан ортиқ ўғиз-қиз кўнгилли дам олмақда. Улар орасида Хоразмдан келган мактаб ўқувчилари ҳам бор. Дам олувчилар ўртасида спортнинг 8 тури бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса, шахмат, футбол, кураш мусобақалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Суратларда: «Чимён» болалар оромгоҳи ҳаётдан лавҳалар. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.



Нукус шаҳрининг 20-маҳалла гузарига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Бу ерда сартарошхона, кийимларни кимёвий тозалаш, тикуччилик цехи, стоматология кабинетлари аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Этиборлиси шундаки, маҳаллада яшовчи қарияларнинг барчаси ундаги хизмат турла-

ҚАРИЯЛАР - ИЗЗАТДА

ридан бепул фойдаланадилар. — Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда маҳалламиз ҳудудидаги ташкилот ва қорхо-

наларнинг ҳомийлигида бунёд этдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамбетмурод Идрисов. — Маҳалламиз аҳли мустақиллигимизнинг 11 йиллиги ҳамда шаҳримизнинг 70 йиллик тўйига муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилмоқда, ҳўлийлар саранжом-саришталаниб, алоҳида кўриқдан ўтказилляпти. (ЎЗА).

Навоийда вилоят чорвадорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда чорвачиликни ривожлантириш истиқболли билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди.

ЧОРВАДОРЛАР КЕНГАШИ

Вилоят ҳокими Б.Рўзиёв бошқарган мазкур тadbirkor таъкидланганидек, воҳа чорвачилик борасида республикада салмоқли ўринни эгаллайди. Шу боис, кейинги йилларда бу ерда чорвачилик, жумладан, қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиздаги қоракўл қўйларининг 45 фоизи вилоят ҳудудида боқилади. Президентимиз Ислам Каримов ҳам халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Тан олиб айтиш керакки, вилоятда сўнгги пайтда наслчилик ва чорва тўғрисида қорва туғғини қўпайтиришга эътибор таллаб даражасида олиб борилмаганлиги оқибатида моллар маҳсулдорлиги, маҳсулот сифати пасайиб кетган.

Кенгашда чорва наслдорлигини яхшилаш, қаровисиз ётган молхона ва паррандачилик фабрикаларини тиклаш борасида аниқ чорвалар режаси тadbirkorланди. Хусусан, ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 300 млн. сўмлик кредит ажратилган бўлди. Мавжуд чорва яйловларининг экологик ҳолатини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида саксовул, изен, қандим каби ўсимликларни екишга эътиборни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. (ЎЗА).

Бу йил Андижон вилоятида галлардан рекорд ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик гектарига 75 центнерни ташкил этди. Бу каттаю кичикни қойил қолдирмоқда, қалбларга гурур ва сурур бағишламоқда. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, галларкорларимиз эришган улкан галаба фидокор ўзбек халқи нималарга қодир эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Бу бебаҳо бойлик — ерни эъзоллаш, ундан унумли фойдаланиш каби омилларга алоҳида эътибор берилганлигининг натижасидир.

— Кўрсаткичлар баъзи жойларда янада юқори бўлиши мумкин эди, — дейди сўхбатдошимиз Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси Шавкатбек Мадррахимов. — Бироқ кимлардир дастлабки эришилган натижалар билан қийоғланиб қолди, ўзибўларчиликка, ҳаттоки, талон-тароғжа қўл урди. Вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажара бориб, экин майдонларидан мақсадли фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш юзасидан аниқ тadbirkorларни изчил амалга ошираётганлиги учун ҳам бу каби фирромликлар фoш этилди. Асосий эътибор тadbirkorликдан келадиган даромадларнинг ўсиши, ижара муносабатларининг қонунийлиги, мулк қўлдан чиқарилиши даражасини пасайтиришга қаратилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Кузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, ердан ҳўжасизларча фойдаланиш, ўзбошимчилик

билан эгаллаб олиш, шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ер эгасининг ҳўқуқини камситиш каби ҳўлатлар оз бўлса-да, учраб турибди. Масалан, Избоскан туманида. «Ер тўғриси-

БЕБАҲО БОЙЛИК — ЕРНИ ТАЛОН-ТАРОҲ ҚИЛАЁТГАН КИМЛАР?

да»ги қонунчилик талаблари бузилмоқда. Шўр ювиш, коллатор-дренаж тармоқларини тозалаш, зах қочириб тadbirkorларни сўнгги вақтларда ўз ҳўлига ташлаб қўйилган. Бу ўз-ўзидан ерларнинг мелiorатив ҳўлати ёмонлашувига, шунинг оқибатида ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келди. Мазкур камчиликларни деб Д.Жўраев номли ҳўжаликда 30 гектар, «Янги ҳаёт» ҳўжалигида 20 гектар ер ҳосилдорлигини туман кўрсаткичидан кам бўлди.

Айрим мансабдор шахсларнинг ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун талабларига етарли эътибор бермаётганлиги натижасида ер эгалларининг ҳўқуқлари чекланмоқда. Мисолларга мувожаат этайлик. Давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ташаббуси билан «Шарқ юлдузи» ширкат ҳўжалигидан 0,50 гектар, «Янги ҳаёт» ҳўжалигидан 0,86 гектар майдон «Ким ошди савдоси»га қўйилди. Унда қатнашган 18 нафар фуқаро томонидан ушбу ерлар сотиб олиниб, пул вақтида тўланди. Бироқ, кизиги шундаки, тегишли

ни ажаблантиради. Қаранг, фуқаролардан М.Баҳромов, М.Пирматов, Р.Аҳмедовлар ўзларига тегишли бўлган тoрмоққа участкаларига 12 йил мобайнида ер солигини тўламай келишган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Туманларни айланар эканмиз Хўжаободда ҳам ерларни талон-тароғ қилиш, унга ўзбошимчилик билан эгаллик қилишдек қонунбузилишлар содир этилаётганлигининг

«Ишонч» фoш этади

Р.Ғофуров бунини била туриб ўзини билмаганга олган. У иштиёридаги ернинг 0,01 гектарига шартномада кўрсатилмаган экин турини эъкан. Боз устига руҳсатсиз яшаш учун бино қуриб олган. Ер тузувчи Х.Восилов ўзбошимчиликни кўра-била туриб, ўз муносабатини билдирмаганлигини қандай изоҳлаш ва тушуниш мумкин? Талабчанлик муҳити бўлмаганлиги боис ижарачи Ш.Қурбонов ҳам фирром ишга қўл урди. Ўзига қаршли боғзордан бошқа мақсадларда фойдалана бошлади. Тегишли идора вакиллари текширув ўтказганидан сўнг, ерни талон-тароғ қилишга барҳам берилди, айбдорлардан моддий зарар ундирилди.

Кўзбўямачилик фактлари Пахтаобод туманидаги О.Қурбонов номли ширкат ҳўжалигида ҳам аниқланди. Бу ерда озуқа экинлари ўстириш режалаштирилган 1,6 гектар ерга пйёз экиб юборилган. Ушбу ҳўлат статистик идораларга тақдим этилган маълумотларда яширилган. Қинғир ишнинг қачондир миси чиқадди. Ноконуний ишга қўл урган кимсалар эндиликда аттанг, деб ўтиришди. Сўнгги пушаймон эса ўзининг душман, деб бекорга айтишмайди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

КАССА АППАРАТИДАН

ўтказилмаган маблағлар
Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кўчатириш чора-тadbirkorлари тўғрисида»ги Қарорининг амалга оширилиши давлат бюджетини мустаҳкамлаш ва нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартиришда катта аҳамиятга эга.

Нишон туман Давлат солиқ инспекцияси «Ишонч» телефонига «Албитекс» хўсусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси ходимлари назорат касса машинасини ишлатмасдан савдо қилаётганлиги, қўнлик тушум банкка топширилмасдан кассага урилаётганлиги маълум қилинди.

Табиийки, хабар эътиборсиз қолмади. Туман прокуратураси ҳўзуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи Илхом Турдиев бошчилигида тезкор гуруҳ ишга киришди.

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқадди, деганларидек, текширишлар жараёнида юқоридаги маълумот ўз тасдиғини топди. Ёқилги тақсимловчи О.Қаршиев 10 литр А-72 бензинини харидор А.Азизовга 2000 сўмга сотиб, назорат касса машинасини ишлатмаган ва истеъмолчига чек бермаган. Ҳазинада саноқ ўтказилганда кассага урилмаган 170 минг сўм нақд пул борлиги аниқланди. Умуман, текшириш жараёнида жорий этилган қиванциялар юритилмасдан 1 миллион 591 минг сўмлик савдо-сотик амалга оширил-

ганлиги аниқланди. Савдо қондаларини бузган фирма мутасаддилари 343 минг сўмлик жарима билан «сийланди». Ноконуний хатти-ҳаракатлари учун О.Қаршиев устидан жиноий иш қўзғатилди. Назоратчиларнинг зий-раклиги ва тезкорлиги яхши самара берди. Таллимаржон шаҳридаги хўсусий савдо дўкони сотувчиси Н.Ҳамдамова харидор Ш.Исмоиловага 525 сўмлик савдо қилиб, назорат касса машинасини ишлатмаган. Мавжуд 169,1 минг сўмлик пул тушуми кассага кирим қилинмаганлиги учун савдо шохобчасига 343 минг сўм, қонунбузар дўкон сотувчиси эса 17 минг 150 сўм жарима қўлланилди.

Туманда савдо-тижорат қондалари бузилаётгани, истеъмолчилар ҳақида хиёнат қилинаётганлиги аниқланди. «Нуристон» савдо ишлаб чиқариш фирмаси дўкони сотувчиси Р.Бекмуродов, «Зафаробод» хўсусий дўконида ишлаётган К.Юсуповлар ҳам тижорат тартиби қондаларини четлаб ўтиб савдо-сотикни аяж олдириб юборган экан. Уларга нисбатан ҳам маълумий чоралар кўрилди.

Изат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қарор ва ижро

Республика Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкати қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори коммунал хизмат ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Шунга кўра, пойтахтининг А.Икромов туманида ҳам ушбу хизматни яхшилаш, аҳолини ичимлик суви, газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлашни яхшилаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ҳукумат қарорига асосан уй-жой коммунал хизмати учун ҳақ тўлаш, аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом, турар-жойларнинг умумий фойдаланадиган майдонни учун техник ва коммунал хизмат кўрсатиш намунавий шартномалари тузилди.

дон эгаси Мусахоновнинг қарзи эса 156155 сўмдан ошиб кетган. Дебитор ва кредитор қарзлар аксарият ширкатларда тўлаб бўлинди. Лекин баъзи ширкатларда бу ишларни амалга ошириш анча қийин кечмоқда. Бунга мисол қилиб, «Ботир-Файз», «Дилқушо», «Севилия» ширкатларини кўрсатиш мумкин. Хозирги кунда ширкатларда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик

«АСАКАБАНК» КЎМАГИ

«Ўзавтосаноат»га қарашли Қўқон автокорхонасини том маънода мустақиллик меваси дейиш мумкин

— Агар мамлакатимиз раҳбарияти тадбиркорликни йўлга қўйиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб бермаганда бизнинг корхонамизни ташкил этиш орзулигича қоларди, - дейди автокорхона раҳбари Бахтиёржон Абдураҳмонов. — Бундан уч йил бурун Қўқон шаҳри ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмасди. Турли сабабларга кўра, ушбу йўналишларда автобус-

лар қатнови кескин камайиб кетганди. Бунинг оқибатида минглаб йўловчиларнинг қимматли вақтлари беҳуда кетаётганди. Биз ушбу ҳолни атрофлича ўрганиб чиқиб, «Ўзавтосаноат» уюшмаси раҳбариятига янги автокорхона очиш ниятида эканлигини билдирдик. Таклифимизни жиддий ўрганиб чиққан «Ўзавтосаноат» уюшмаси раҳбарлари таклифимизни қўллаб-қувватлашди ва керакли йўл-йўриқларни кўрсатишди. Тез фурсатда бизнес режа

тузиб, «Асакабанк»нинг Қўқон бўлимида 250 миллион сўм узоқ мuddатли кредит сўрадик. Банк раҳбариятига раҳмат. Тез фурсатда кредит маблағини бизнинг ҳисобимизга ўтказиб беришди. Ташаббусда, дадилликда гап кўп экан. «Асакабанк» ажратган кредитни тўғри мақсадга йўналтирган янги корхона «Самко-чавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасидан 50 та автобус олди. Янги автобуслар ишга қўйилган дастрлабки кунлар-

да йўловчилар кира ҳақи арзонлигидан хайратга тушишди. Кўпчилик бу ҳолни вақтинчалик, одамларни ўргатиш учун қўлланган иш услуби, деб талқин қилди. Лекин вақт ўтган сари янги автокорхона йўловчиларга чиндан ҳам сифатли хизмат қилишни ойдинлашди. Табиийки, ушбу корхона транспорт хизматида фойдаланувчи йўловчилар сони кундан-кун ошиб бораверди. Ўтган йилда корхона 5 миллион 147 минг сўмлик

хизмат кўрсатган бўлса, ушбу йилнинг 6 ойида 2 миллион 637 минг нафар йўловчи арзон нархда манзилларига элтиб қўйилди. Автокорхонанинг 146 кишилик жамоаси Қўқон шаҳридаги 6 та ва шаҳар атрофидаги 2 та йўналишларда йўловчиларга сифатли ва арзон нархларда транспорт хизмати кўрсатиш билан бирга корхонадаги автобуслар сонини яна 10 тага қўпайтириш ниятида.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚИ уни ўз вақтида тўлаш муаммоларни ҳал этаяпти

Мазкур фондда 29 та уй-жой мулкдорлари ширкати тузилган бўлиб, улар 638 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатмоқда. Ушбу ширкатлар фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган биналар, моддий техника ресурслари, алоқа воситалари ва жиҳозлар билан таъминланган. Шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида уй-жой мулкдорлари ширкатларига ер участкаларини доимий фойдаланишга бириктириб бериш ҳақида»ги қарори тумандаги барча ширкатларда амалий кўринишини топган. Аҳолига намунавий хизмат кўрсатиш борасида туманда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Йиғиб олинаётган тўловлар уй-жой фондини сақлаш, жорий ва тубдан таъмир учун сарфланади. Барча ширкатларда аҳолига кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш бўйича жадвал ва рўйхатлар тузилган. Аҳолига намунавий хизмат кўрсатиш борасида «Иқбол», «Бирлик», «Мардлик» ширкатлари алоҳида таъкидга лойик. Эътиборлиси шундаки, бу ширкатларда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. * Ҳамиша аҳоли ман-

фаатидан келиб чиққан ҳолда иш юритишимиз лозим. Шундагина уй-жой мулкдорлари ширкати истикболлини амалда исботлаймиз, - дейди «Иқбол-сервис» ширкатлар хўжалиги раиси Рамзиддин Аҳмедов. Ўтган йилда ширкат томонидан кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилиб, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлашда кўмак берилди. Бу йил ҳам ижтимоий Ҳимояга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фаол етакчилар тўловларни вақтида тўлашига ўз хиссаларини қўйишмоқда. Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Шу йилнинг биринчи чорагида 15436 та қарздор хонадон аниқланди. 3055 та хонадон эгаси устидан давво аризаси туман судига тақдим этилди. Шу йўл бўйича жадвал ва рўйхатлар тузилган. Аҳолига намунавий хизмат кўрсатиш борасида «Иқбол», «Бирлик», «Мардлик» ширкатлари алоҳида таъкидга лойик. Эътиборлиси шундаки, бу ширкатларда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. * Ҳамиша аҳоли ман-

ишлари кизгин олиб борилмоқда. Ҳар бир уй-жойнинг техник ҳолати кўриқдан ўтказилиб, мавсумга тайёргарлик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уйларнинг муҳандислик тизимини тубдан таъмирлаш 37 та уйда мўлжалланган бўлиб, ҳозирча 11 таси таъмирдан чиқарилди. Уларда 1030 та газ ва сув ўлчачилари ўрнатилди. Коммунал соҳада юз бераётган ўзгаришлар натижасида ширкатларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бораётир. Ташкил этилган диспетчерлик хизмати ҳар бир буюртмани вақтида қабул қилиб олишни таъминламоқда. Ходимлар эса уни ўз мuddатида адо этишга ҳаракат қилишди. Лекин шу билан бирга, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш, малакали ходимларни ишга жалб қилишда муайян камчиликлар бор. Бугунги кунда туман билан 42,1 миллион сўм ҳисоб рақамига туширилди. Имкониятга эга бўлатуриб, ҳеч бир сабабсиз қарзини тўламаётган 25-мавзе, 21-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Исроиловнинг қарзи 206895 сўм, 25-мавзе, 22-уй, 17-хонадон эгаси Ҳамидова 127505 сўм, 31-мавзе, 4-уй, 38-хона-

Учкўприк туманидаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти Россиянинг нуфузли «Эксима» компанияси билан ҳамкорлик ўрнатди

Президентимизнинг Фармони билан аҳолига уй-жой қуриш учун ер-участкалари ажратилгани бугун Фарғонада ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Шу Фармон тўғрисида янги-янги маълумотлар, қишлоқлар бунёд бўлди. Энг муҳими, қўшимча томорқага эга бўлган оилалар ўзларини моддий мустақамлаб олиш имкониятига эга бўлишди. Бугун томорқадан келаётган даромаддан тўй қилаётган, дангиллама иморат қураётган, янги машина сотиб олаётганларнинг сон-саногини йўқ. — Аҳоли қўшимча томорқа-

ХОРИЖ САРМОЯСИ ҚИШЛОҚҚА

да бўлганидан кейин бизнинг корхонамизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топширишни истовчилар сони кўпайди, - дейди корхона раҳбари Абдуҳамид Исоқов. — Бу ҳол бизни изланишга, ишлаб чиқариш тармоқларини замон талаблари даражасида янги технологиялар билан таъминлашга ундади. Юртбошимиз қўл бор таъкидлаётганидек, кишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, бу ишларга хорижий ҳамкорларни жалб этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидандир. Учкўприклик консервачилар ҳам бу борада

дастрлабки кадамини ташлашди. Корхона Россиянинг машҳур «Эксима» компанияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатди. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, россиялик ҳамкорлар корхонага 805 минг АКШ доллари киритиш ниятида. Бу нарса консервачиларнинг фаолияти янада кучайтишга, энг муҳими, маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имконини беради. Айни кунларда корхонага Италиядан сизими 200 килограмм бўлган маҳсус қоплар қадоқ консерва маҳсулотлари қадоқлайдиган 420 минг

АКШ долларилик янги технология ўрнатилмоқда. Янги тармоқ ишга тушгач, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати камида беш баробарга ортади. Ҳар ёз мавсумида 30 минг тонна олма, 30 минг тонна узум, 20 минг тонна помидор ва кўп миқдорда турли сабзавот, мева-чевавларни қайта ишлаш имконияти туғилади. Учкўприк қишлоғидаги ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошишидан нафақат ҳиссасдорлар ва ҳамкорлар, балки томорқада етиштираётган ўз маҳсулотларини шу ерга топшираётган Бувайда, Бағдод, Ўзбекистон, Учкўприк, Риштон туманлари аҳолисининг ҳам манфаатдорлиги ортади.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.



КАДРЛАР ЎҚУВИ

ЎзКўФКнинг ўқув марказида соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги қўйи бўғинлар қўмитаси раисларининг ўқуви ташкил этилди. Тингловчилар касабани уюшмаларнинг ҳозирги шароитдаги долзарб вазифалари, касабани уюшмалари Ҳаракат дастурининг бажарилишига оид маърузалар билан танишдилар. Машулотларни энг тажрибали мутахассислар, фан номзодлари ва докторлари, ҳуқуқшунос олиб бордилар. Ўқув давомида семинар иштирокчилари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, улар гўзал пойтахтининг диққатга сазовор жойлари, музейларга экскурсия қилдилар. Суратда: семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи. И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Тошкент вилоятидаги «Меҳржон» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган «Агроистебод-2002» мактаби машғулотлари якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мактаблардан 60 нафар аълочи ўқувчи иштирок этди. Бу ерда улар учун салкам бир ой мобайнида соҳилмий текшириш институтлари олимлари, ўқитувчилар, мутахассислар иштирокчида ўқув ва амалий машғулотлар ўтказилди. Ўқув жараёнида қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган замонавий техника, ихтиро ва фойдали моделларнинг илмий-техник экспертизаси ҳамда интеллектуал мулк объектларининг муҳофазаси, биотехнология ва ахборот технологиялари каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди. Турли спорт мусобақалари, беллашув ва кўрик-танловлар ўтказилди. (ЎЗА).

Ёзги соғломлаштириш қандай ўтяпти?

БОЛАНИНГ КЎНГЛИ НОЗИК

Савлат тўкиб турган Чилустин тоғ қоялари тинчлигинизга гўё посбондек қаршингизда тошқотган... Тоғ пойидаги зилол сой ҳаловатингизни кўзлаётгандек ўзанида сассиз оқади... Ям-яшил тераклар саратон оташидан пана қилиб бошгингиз узра аста тебраниб боргилари ила майин шивирлайди... Кўм-кўк арчалар кўзингизни қувонтириб, димоғингизга тоғ ҳавосини уфурлади. Булоқбоши туманидаги агросаноат мажмуида қарашли Гафур Фулом номидаги болалар оромгоҳи шундай сўлим масканда жойлашган. Педиатр шифокор Собиржон Умаров таомлар сифатини назоратдан ўтказиб туради. Тушлиқдан сўнг, болалар оромгоҳи бошлиғи Салимжон Тойназаров ёш алпинистлар тўғраги аъзолари билан Чилустин тоғига саёхатга отланишди. Бир гуруҳ дам олувчилар тикув-бичув хонасига қараб юришди. Одатдагидек, бу ерда матага гул тикиш, каштачилик бўйича машғулотлар бошланаётганди. Маънавият—маърифат хонасида тарбиячи Омадой Ҳамроқуллова «Она табиятни асрайлик— у бизнинг умумий уйимиз» мавзусида болажонлар билан суҳбат олиб бормоқда. Шу пайт йўлнинг болажонларни янроқ товуши эшитилиб қолди. Аён бўлишича, спорт майдончасида волейбол бўйича гуруҳлараро беллашув кетаётганди. Команда

Фарғона шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика ёшлар мусобақасида тўртинчи ўринни олибди. Кўриниб турибдики болаларнинг табиат қўйнида яйраб-яшнаб дам олишлари, ёзги таътилни намунавий ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, спорт соғломлаштириш оммавий тадбирлари, касб ҳунар ўрганиш, тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бугунгача оромгоҳда 500 нафарга яқин бола хордик чиқарди. Оромгоҳни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда хомийларнинг ёрдами катта бўляпти. Ойбек, Жўраповлов Фоййлов, Навоий номли ширкат хўжаликлари оромгоҳга бозордагидан арзон нархларда 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда. Мамат Қулчиев бошлиқ богдорчилик ихтисослашган фермер хўжалиғи ўрик, олма, шафтоли билан оромгоҳни бепул таъминляпти. Айниқса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. 150 нафар уғил-қиз тармоқ касабани уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан оромгоҳда дам оляпти. Пахтаобод туманидаги Қўқон қишлоқ пахта тозалаш жамиятига қарашли «Гагарин» номи оромгоҳида эса бутунлай бошқача манзарага дуч келасиз.

Мўъжазгина гулзор сувсизликдан қараб ётарди. Чўмилиш ҳавзаси қуриб қолган. Спорт соғломлаштириш тадбирлари ўтказиладиган майдонда аҳвол бунданда аянчли. Уйингоҳни ўт-ўлан босган, дарвоза устунлари ўрнида қийшқ ёғоч қаққайиб турарди. Эрталабки бадан-тарбия ўтказиладиган майдонда эса ҳеч қандай спорт анжумлари ўрнатилмаган. Директор спортзал деб номлаган бино эса ётоқхона бўлиб чиқди. Ўзини спорт йўриқчиси деб таништирган Муҳаммаджон Мирзаев қаратёв хаваскорлари билан қаравотлар орасида машқ ўтказётганди. Умуман оромгоҳда спорт—соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Маънавият-маърифат хонасида ҳам тўрт девордан кўнрақ ҳеч нарса кўзга кўринмади. Оромгоҳдаги тарбиявий ишларнинг оқсоқлиги, директорнинг фаолияти билан танишганимизда янада равшан бўлди. Оромгоҳ иккинчи навбатда ишлаётганига қарамай С.Исмоилов ханузгача иш режасисиз фаолият юритаётганди. Корхона маъмурияти ва касабани уюшма қўмитаси камчиликларни бартараф этиб ўғил-қизларни табиат билан ошно холда соғломлаштиришни, болалар кўнгли нозиклигини унутайтган кўринади. Р.СОБИРОВ.

САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛМАГАЧ...

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кадрларга нисбатан талабчанлик оширилиб, уларнинг муайян қисми вазифасидан озод этилди. Иқтидорли, тажрибали ташкилотчи кишилар муҳим ишга жалб этилди. Биз дарё соҳилидаги оромгоҳлар мажмуида бўлганимизда, бундан чўқур хис этдик. Айниқса, Мирзаобод туманидаги «Семурғ», Сайхунободдаги «Бургутча» каби гўшалардаги шароит тубдан ўзгарди. Уларда ўғил-қизларнинг шодон кулгилари янграмоқда. Бироқ ҳамма масканлар фаолиятдан кўнгли тўлаётди, деб бўлмади. Сирдарё туманига қарашли Н.Ҳайдаров номли, Гулистон туманидаги «Турон» оромгоҳларидаги маънавият ва маърифат хоналари бизни хайрон қолдирди. Муҳим ишга юзаки ёндашиш бир қарашдаёқ сезилади. «Турон»даги китоб жавонида юзга яқин адабиятлар бор. Бироқ уларнинг деярли барчаси алмисоқдан қолган адабиётлар... Бош етакчи Саодат Аваалбоевадан бундай адабиётлардан фарзандларимиз учун не наф, дея сўраганимизда нима деб жавоб беришни билмади. Н.Ҳайдаров номли болалар оромгоҳида ҳам кутубхона ташкил этишга панжа орасидан қаралган. Бир хил нусхадаги эскирган адабиётлар қалаштириб ташланган. Чамаси оромгоҳларни жиҳозлаш, кутубхоналарни керакли адабиётлар билан таъминлаш каби барча юмушлар касабани уюшмаларининг вазифаси, деган ностро тушунчага борилмоқда. Дейлик, Сирдарё туманида янги маънавият ва маърифат хоналари кутубхоналар ташкил эти-

ши, қизиқарли тадбирлар уюштириши мумкин-ку?! Оқолтин агрофирмасига қарашли болалар масканида бўлиб, табиий хонасига кўз ташлаганимизда мутасадди ходимлар болалар атрофида парвона бўлиш ўрнига уззу-кун шу ерда дам олишни маъқул кўришганини билдик. Боз устига, Н.Ҳайдаров номли болалар оромгоҳида чўмилиш ҳавзаси ҳам талабга жавоб бермайди. Дам олувчиларнинг машқи насть. Таъкидлашга қарашли, «Сирдарё»даги ларчилик «Юбилей» оромгоҳи бўйлиги мавсумда ўз фаолиятини кеч бошлаган. Таъмирчилар иши негиздан чўзилиб кетди. Йўлланмани қўлларига олган болалар қачон сўлим маскан бизни ўз бағрига чорларкин, дея сўрайвериб қийналишди. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, ёзги соғломлаштиришга мутасадди бўлган баъзи раҳбар мутахассислар, касабани уюшма фаоллари ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқармаганлар, ўзибўларчилиги қимматга тўшаётганлигини юқоридаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди. Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

Ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз пенсионерларга асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладими?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 15 февралда 636-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, ёлғиз пенсионерлар 9 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан (ун, ўсимлик мойи, макарон маҳсулотлари, гуруч, чой, тухум, қанд, кир ювиш воситалари, гўшт) белгиланган нормаларда бепул таъминлаштирилиши кўзда тутилган.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланиши лозим бўлган ёлғиз пенсионерлар шахсий рўйхати улар яшаб турган жойдаги ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими биргаликда тузилади ва туман (шаҳар) ҳокимиятида тасдиқланади.

Пенсионерни ёлғиз ва парваришга мухтож шахс сифатида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланувчи пенсионерлар рўйхатига киритилишига қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

- а) ёлғиз пенсионернинг фуқаролар йиғини номига ёзган аризаси;
- б) пенсионер ўзгалар парваришига мухтож эканлиги ҳақида тиббий маслаҳат комиссияси (ВКК) ёки тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг (ТМЭК) маълумотномаси;
- в) пенсионер яшаб турган жойдан маълумотнома;
- г) ёлғиз пенсионернинг социал-маиший шароитлари ҳақида тузилган акт.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари туман ижтимоий таъминот бўлимининг тегишли хизмати ходимлари томонидан ёлғиз пенсионернинг уйига олиб бериб бериллади.

Пенсионерларни дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан имтиёзлар

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 январь

ногиронларга дорилар бепул берилди. Шахсий пенсионерлар ва уларнинг қарамоғида турувчи оила аъзолари шифокор рецепти бўйича олинмаган дори-дармонларни 80 фоизи арзонлаштирилган баҳода оладилар. 1941—1945 йиллардаги уруш даврида ишлаган шахсларга, 1986—1987 йилларда Чернобил фалокати оқибатларини тугатишда қатнашган

ликлариди ишлаганларга иш даврида фойдаланган поликлиникадан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолинади. Уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг хотинлари, Чернобил АЭС фалокатини тугатиш ногиронлари ва қатнашчилари, шахсий пенсионерлар, концлагерларнинг собиқ 16 ёшга тўлмаган туқинлари, Ленинград қамалида қолганлар тиш протезларини навбатсиз ва бепул тайёрлатиш ҳамда таъмирлатиш ҳуқуқига эгадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли «Даволаш-профилактика муассасаларини молиявий таъминлаш тизимларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, 1998 йил 1 январдан бошлаб стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанувчи шахслар учун улар томонидан пул тўланиши тартиби жорий қилинди. Аммо ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловасида кўрсатилган тоифаларга мансуб фуқаролар (айрим касаллик турларига чалинганлар), болаликдан ногиронлар, чин етимлар, I, II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари, 17 ёшга етмаган болалар ва бошқалар касалхонада даволанганларида овқат пулини тўлашдан озод этилади.

Пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги энгилликлар

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга кўра, фуқароларнинг айрим тоифалари — пенсионерлар, ногиронлар, воёга етмаганлар, ҳарбий хизматчилар соғлигини муҳофаза этилишига алоҳида эътибор берилиши қайд этилган. Ушбу Қонуннинг 21-моддасида пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишнинг алоҳида хусусиятлари баён этилган.

Пенсионерларга тиббий хизматга доир бирмунча имтиёзлар яратилган. 1941—1945 йилги уруш ногирони, қатнашчиси ва уларга тенглаштирилганларга, вафот этган ҳарбий хизматчилар оиласига, иккинчи жаҳон уруши даврида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлариди ишлаганларга иш даврида фойдаланган поликлиникадан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолинади. Уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг хотинлари, Чернобил АЭС фалокатини тугатиш ногиронлари ва қатнашчилари, шахсий пенсионерлар, концлагерларнинг собиқ 16 ёшга тўлмаган туқинлари, Ленинград қамалида қолганлар тиш протезларини навбатсиз ва бепул тайёрлатиш ҳамда таъмирлатиш ҳуқуқига эгадилар.



даги «Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги 15-сонли қарорига кўра, пенсионерларнинг бир қатор тоифаларига шифокорлар рецепти (дориномаси) бўйича дори-дармонлар бепул берилиши ёки уларнинг нархи га чегирмалар қилиниши кўзда тутилган. Буларга иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, ҳарбий ҳаракатлар даврида ёки ҳарбий хизматни ўташ даврида олинган яраланиш, контузия ёки майибланиш натижасида, фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик сабабли вафот этган ҳарбий хизматчининг ота-онаси ва хотини, концлагерларнинг собиқ 16 ёшга етмаган туқунлари, Афғонистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ ҳарбий хизматчи байналмилаллардан бўлган шахслар, Чернобил АЭС фалокатини тугатиш даврида нур билан касалланган шахслар, шунингдек, Чернобил АЭС фалокатини тугатиш даврида зарарланган фуқароларнинг оилалари, Чернобил АЭС фалокатида зарарланган болалар шулар жумласига қиради. 16 ёшгача болаликдан



2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Карим ота Рустамов «Бухоротекс» акционерлик жамиятида фидокорона меҳнат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда нуруний фарзандлари бағрида қарилк гаштини сурмоқда. Яқинда отани «Ёш тўқимачи» болалар оромгоҳида ўтказилган учрашувга таклиф этишди. Табаррук ин-

сон йиғилганларга мустақиллик берган имкониятлар хусусида тўлқинланиб сўзлади, барчани Ватани чин дилдан севиш, меҳру оқибатли бўлишга даъват этди. **Суратда: кекса ишчи Карим ота Рустамов болалар оромгоҳида.**

КАМ ДАРОМАДЛИ ОИЛАЛАРГА

Бу йил Сирдарё туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги далаларида ҳам ризк-рўзимиз бўлган галладан мўл хосил етиштирилди. Шартномани ортиги билан ўринлатган пудратчилар уйларига тонналаб дон туширишди. Аҳолининг ёрдамга мухтож кимини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шундай оилаларга 100 килограмдан бугдой берилди. Шунингдек, «Миришкор», «Сандазим» фермер хўжаликлари етакчилари ҳам саховат кўрсатишди.

Ижтимоий ҳимоя

Дарҳақиқат, кейинги йилларда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, қарияларни қадрлашга мазкур хўжаликда катта эътибор берилаяпти. Масалан, ширкат ҳудудида истиқомат қилувчи 16 нафар нурунийга гилам тўхфа этилди. Юз ёшдан ошган икки нафар табаррук инсонга қимматбаҳо совғалар топширилди. Катта дастурхон ёзилди, отахон ва онахонларга ош тортилди.

Ҳа, қаерда инсон яхши ишлаб яхши яшашига шароит яратилган бўлса, моддий манфаатдорлиги таъминланса, ўша жойда ишлар юришаверади. Буни «Ҳақиқат» мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни кунларда ширкат аъзолари Мустақилликнинг 11 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида гўза парвариш ишларини авж олдирмоқдалар. Далаларда кўчма шийпонлар ташкил этилган. Мактаблар таъмирланиб, кўчалар ободонлаштирилмоқда. Хуллас, катта тўйга тараддуд авжида...

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

«Гулистон» қишлоғига кириб боришингиз билан шинам уй-жойлар диккатингизни тортади. Ёшлар кўрғончаси номини олган бу маскан уста пахтакор, эл-юрт учун фидойи инсон Шомурод ота Бекмуродов ташаббуси билан бунёд этилган.

БУ ШИНАМ УЙЛАР

— Бундан 20 йил муқаддам Шомурод ота бу ерга келган ободончилик ишлари бошлаб кетган эди, — дейди Баҳористон туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги касабаси уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Товшоаров. — Саришта жойда кўт-баракка бўлади, деганларича бор экан. Шу-шу ниётларимиз ушалаиб, нимага қўл урсак, бароридан келади.

Дарвоқе, хўжаликнинг 3-кичи ширкатига раҳбарлик қилаётган Шомурод ота ҳамон ёшларга хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, элга бош бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзига хос тажриба яратган. Хўжаликда 2500 нафар аҳоли бўлиб, 450 оила истиқомат қилади. Бу ердаги «Нихол» болалар бoғчаси ҳамда Фафур Фулом номли ўрта мактаб ўқувчилари учун деҳқончиликдан олинган даромад ҳисобига моддий кўмак берилаётди.

Шомурод Бекмуродов раҳбарлик қилаётган ширкатда 13 та галлачилик, 8 та пахта-

чилик оилавий ижарачи бўлиб, режалар ҳар йили ободончилик ишлари бошлаб кетган эди, — дейди Баҳористон туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги касабаси уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Товшоаров. — Саришта жойда кўт-баракка бўлади, деганларича бор экан. Шу-шу ниётларимиз ушалаиб, нимага қўл урсак, бароридан келади.

Уста деҳқон катта оила сарқори сифатида 12 нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказди. У айни кунда неварачеваралари ардоғида бахтибекам ҳаёт кечирмоқда. Ўтган йили муборак Ҳаж зиёратини адо этиб қайтган ота айни дамда саховатли, хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 11 йиллиги кунигача унинг бевосита ташаббуси билан хўжаликда қариялар чойхонаси, қишлоқ врачлик пункти ишга туширилади. 200 сотувчиға мўлжалланган деҳқон бозори эса аллақачон халққа хизмат қилмоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Навоий вилояти марказидан уч юз чақирим олисда жойлашган Томди тумани «Жана шарво» қоракўлчилик ширкат хўжалигида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Уни Навоий шаҳридаги «Моҳитобон» хусусий қурилиш фирмаси бунёд этди.

Шифохона қурилганидан бехад мамнунмиз, — дейди ширкат хўжалиги раиси А.Дўспанбетов. — Шифохона замонавий усулда қурилган. Бу ерда барча зарур муолажа хоналари, тиббий асбоб-ускуналар мавжуд. Даволаш масканида бир врач ва 5 нафар ҳамшира чўпон оилаларига хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, туманда қишлоқ врачлик пунктлари сони тўрттага етди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида Жабай Балиманов номидаги ширкат хўжалигининг «Оқтов» овулида яна бир шифохона ишга тушади.

Шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинати олис овуллардаги шифо масканларига 4 та энгил автомашина совға қилди. Бундан ташқари, ҳар бир хўжалик марказига рацияли алоқа тизими ўрнатиб берди.

КОРХОНА КЕНГАЙМОҚДА

Ўчқўприк туманидаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамияти Россиянинг «Эксима» компанияси билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

Томонлар келишувига кўра, россиялик ҳамкорлар жамиятга 805 минг АҚШ доллари миқдориде сармоя киритмоқда. Бу хиссасдорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватини,

Хабарлар оқимидан

маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини оширади.

Ҳозир бу ерда Италияда ишлаб чиқарилган, консерва маҳсулотларини қадокловчи янги технология ўрнатилмоқда. Янги тармоқ ишга тушса, ишлаб чиқариш қуввати беш баравар ошади. Бу ҳар мавсумда 30 минг тонна олма, 30 минг тонна узум, 20 минг тонна помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш имконини беради.

Янги цех ўнлаб ёшларимизни иш билан таъминлайди, — дейди хиссасдорлик жамияти раиси Абдуҳамид Исоқов. — Қолаверса, замонавий ишлаб чиқариш тармоғи нафақат Учқўприк, балки қўшни Бувайда, Бағдод, Ўзбекистон ва Риштон туманлари ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги ва сабзавот экинларини қабул қилиб, қайта ишлайди.

«ДўСТЛИК» БАҒРИДА

Ромитан туманидаги «Дўстлик» оромгоҳида 120 нафар бола қордиқ чиқармоқда. «Қалайчорбоғ» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги хушманзарра масканида барча қулайлик мавжуд.

Кутубхона, турли тўғарақлар, чўмилиш ҳавзалари, спорт майдонлари болалар билан гажум. Оромгоҳни ёз мевалари, полиз экинлари, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда барча ширкат хўжаликлари, фермерлар ҳомийлик қилмоқда. Тарихий ёдгорликлар бўйлаб уюштирилаётган саёҳатлар болаларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

(ЎЗА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЭКСПЕРТЛАР ТАЪКИДИ

Ёдингизда бўлса, Европанинг бир неча мамлакатлари бўйлаб умумий валюта — евро муомаласига кирган 1999 йил январь ҳолатига кўра у АҚШ долларига нисбатан 1,1747 га тенг қийматга эга эди. 2000 йил октябрга келиб эса евронинг қадри 30 фоизга пасайди. Ниҳоят кўнча қитъа молиячиларининг ҳам кўчасида байрам экинлари эса бошлади. Маълумотларга қараганда, жаҳонда хукронлик қилаётган икки валюта қарийб тенглашган ва ҳатто шарҳловчиларнинг фикрича, евронинг отни яна қамчилаш имкониятлари мавжуд.

КИМСАСИЗ ОРОЛ МОЖАРОСИ

Шунга ҳам хаш-паш дегунча ўн кун ўтибди. Ўн икки нафар марокашлик ҳарбийнинг Гибралтар бўғозидаги кимсасиз Перехил оролининг эгаллаб олиши ва бунга жавобан Испания ҳарбий кемаларининг ташрифи натижасида шу пайтгача жуда кўпчиликка номълум ва ҳатто журғофий хариталарга туширилмаган митти ҳудуд атрофида икки қўшни давлат сан-манга бориб қолиши. Марокаш томони ўз хатти-ҳаракатини бу орол Европага ҳеч қан-

дай ҳужжатларсиз, яширин тарзда бораётган «кўчманчи»лар қўниб ўтадиган жой сифатида фалият кўрсатишининг олдини олиш мақсадида эгалланганини тушунтиришга ҳаракат қилса, Испания буни ўз чегара дахлсизлигига хуруж деб баҳоламоқда.

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси Фарб учун бошқа минтақалар билан муносабатларда катта аҳамиятга эга. Европа Иттифоқига кириш учун кўп йиллардан бери ҳаракат қилиб келаётган Туркия ана шу нуқтаи назардан келиб

чиққан ҳолда яқинда ўз конституциясига ўзгаришлар киритди. Жумладан, унга мувофиқ энди ўлим жазоси фақат террорчилик ҳаракати ва ҳарбий жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

ВЕРТОЛЁТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Сингапурда кўним топган Америка ҳарбий базасида кўнгилсиз воқеа содир бўлди. «Chinook» русумли икки вертолёт ҳавога кўтарилмай туриб ердаёқ тўқнашиб кетиши натижасида, сингапурлик бир тех-

ник дунёдан бевақт кўз юмди. Гувоҳларнинг айтишича, вертолётларнинг парралари ўзаро тегилиб кетиши ушбу фожеани келтириб чиқарган.

ТУЛА ОСМОНИДА ЗАҲАРЛИ БУЛУТ

«Новомосковский азот» заводиде юз берган фалокат оқибатида хлор моддаси кўп миқдорда атмосферага чиқиб, ҳавонинг булғанишига сабаб бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, авариёдан 14 киши жабрланган, айниқса, 5 киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Умуман, тиббий ёрдам сўраб 71 киши муурожаат қилган.

Бу фалокат экологларни ҳам анча ташвишга қўйди. Гап шундаки, заҳарланган булут шу яқин атрофдаги сув омборига ҳам хавф солмоқда.

КОЙИЛ, ФОНОГРАММАСИ!

Украинада бу қонунни кўпдан бунён қутишгаётгани. Ниҳоят, муз кўчди. Энди қўшиқчилар концертда фонограммалардан фойдаланишлари қонунан ман этилди. Шундай қонун аввалроқ Беларус Республикасида қабул қилинганди.

Узун-қулоқ хабарларга қараганда, Россия Федерациясини давлат ду-маси ҳам сентябр ойида шунга ўхшаш қонун лойиҳасини тасдиқлаш ниётида. Шундай қонун тарафдорларининг фикрича, фонограмма ёрдамиде концерт бериш, бу товламчиликдан бошқа нарса эмас. Лекин қонун амалда ўзини оқлайдими? Есал кунда унутлиб кетадими? Буни вақт кўрсатади.



Шаҳри азим Тошкентимизнинг шарқ тарафида кўркам Чотқол тоғларига ўрлаб борувчи гўзал маскан бор, уни Бўстонлик деб атайдилар. Тоғлар бошидан отилиб тушувчи Пском, Кўкусув, Чотқол, Ўғам дарёлари, шунингдек, Октош, Гал-

васой, Оксокота каби сойлар бирлашмасидан пайдо бўлувчи Чирчиқ дарёси ён бағирларига жойлашган бу дийр учун ортиқча таъриф-таъсифнинг ҳожати йўқ. Чунки табиатнинг бор мўъжизалари шунда муҳассам...

Муаммо, мулоҳаза, ечим

ошиб боришни таъминлаётми. «Хумсон»дагина мижозлар буюртма асосида овқатланиш имкониятига эга. Уруш қатнашчилари сингари имтиёз эгалари учун эса текин хизмат ва янада қулай шарт-шароитлар яратиб қўйилган... Қани энди, Бўстонликнинг ҳамма тарафида шу каби жаннатмаконлар барпо этилса! Шундай қилинса, нафақат юртдошларимиз, ҳатто чет элликлар ҳам сўлим маскан — Бўстонлик неъматларидан тўла-тўқис баҳраманд бўлар эди. Яна

минлаш, нияти бузуқ, фирром кимсаларнинг нопок қадамларини қирқибдири! — дейди А.Абдухамидов катъият билан. — Худо хоҳласа, миллий боғимизни жаҳондаги энг илғор турдошлари қаторига кўтарамиз. Бу йўлда туман ҳокимликлари, айниқса вилоят ҳокимлиги жуда катта ёрдам кўрсатмоқда. Шундай экан, яқин келажақда кўзлаган режаларимизни албатта рўёбга чиқарамиз.

Хуллас, Ватанимизнинг сўлим дурдонаси бўлмиш Бўстонликда кейинги йилларда чиндан ҳам тараққиёт учун кенг йўл очилмоқда. Юртбошимизнинг кўрсатмаси, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан янги ишоналар ташкил этилди, катта маблағлар ажратилди. Минглаб бунёдкорлар Чорвоқ денгизи атрофидаги Чимён-Чотқол ҳудудида улкан бунёдкорлик ишларини бажармоқда, чала ҳолда ташлаб қўйилган қурилышларни поёнига етказмоқдалар.

Афсуски, айрим маҳаллий раҳбарларнинг сустанлиги туфайли Бўстонлик ободончилиги масаласида катта имкониятлар бой берилмаётти. Буни қаранг, айниқса Чорвоқ кўрғонига етказилса-ю, ерли халқ хануз ундан фойдалана олмас! Шу газга ишониб, етарли миқдорда ёқилги жамғармагани туфайли кўпқаватли уйлардаги оилаларнинг қишда совуқ қотиши инсофданми?! Нафақат Чорвоқ кўрғони, балки юқори қишлоқларнинг барчасига табиий газ тортиш имконияти яратилди-ку! Бу ишни амалга ошириш учун гайрат-шижоат, ташкилотчилик ва дадиллик керак, холос.

Ёки ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Тўғри, улкан қурилишлар давлат маблағи ҳисобига бажарилади. Ҳўш, кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар яратиш-чи? Нима учун бир қишлоқ, кўрғон ёки шаҳар раҳбарлари ўз худудларини ихтиёрий равишда обод қилишга ўз қўллари остидаги инсонларни тўлиқ жалб этмайдилар? Шу иш учун ҳам доимий равишда юқоридан буйруқ кўтиб ўтириш шартмикин? Хуллас, бу ҳақда гапирарсак гап кўп. Яхшиси, амалий ишга ўтиб, ҳаммамиз гўзаллик яратишга ёппасига киришмоғимиз, омад қилиб боқсан айни қулай фурсатлардан имкон борича унумли фойдаланмоғимиз лозим.

Асад АСИЛ, Ўзбекистон аъзоси.

НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ХИЗМАТ

— Кейинги пайтда кўзим хиралашиб, яхши кўролмайдиган эдим, — дейди Ўш вилоятидан келган бемор Раҳимбой ота Турсунов. — Даво истаб Андижон Давлат Тиббиёт олийгоҳи клиник шифохонасининг кўз касалликлари бўлимига учрашдим. Бу ерда, малакали шифокорларнинг сўй-ҳаракати билан тез орада дардимга малҳам топдим. Ҳозир кўзларим равшан кўряпти. Нажоткорларим — Шаҳноза Музаффарова, Тоҳир Хошимов ва кафедра мудири Азизбек Икромовлардан бир умр миннатдорман.

Бемор учун соғайиб кетишдан ортиқ бахт йўқ дунёда. Айниқса, кўриш, уларнинг дийдоридан баҳраманд бўлишнинг завқи бош-яшнаб турган ёруғ оламга боқиш, фарзандларнинг, ёруғ дўстнинг чеҳрасини

ти қисқа фурсат ичида соғайиб кетишмоқда.

Чунки юксак замонавий техника ва зарур жиҳозлар билан таъминланган масканда тажрибали тиббиёт ходимлари меҳнат қилишаётти. Шифохона ташкил этилгандан бери ўтган вақт ичида қарийб эллик минг бемор даволанди. Шунга таъкидлаб ўтиш жоизки, I ва II гуруҳ ногиронлари алоҳида имтиёзга эга бўлиб, уларга бепул хизмат кўрсатилмоқда.

Э.ОДИЛОВ.

Бўстонлик номига муносиб бўлсин

нинг шифобахш суви сиратгоҳга жон бахш этиб турувчи қон томирларга ўхшайди. Кўркамлигу сехри роҳатбахшликда тенгсиз бўлган Ўғам дарёси «Хумсон» оёғини ўлиб оқмоқда. Дунёда неча хил арча бўлса ҳаммасидан бор. Хайрон қоласиз, бу ерда жаннат яратилган жазм қилгану, ҳозиргача уни ким давом эттираяпти? Маълум бўлишича, гоёт савобли фаолиятни бошлаган ҳам, ҳозиргача шу ҳаракатлар бошида турган ҳам Раҳматилла исмли йигит экан. У Бўстонликнинг Сижжак қишлоғидан. Шу боис меҳри ҳам ўзгача. Ўзи ҳам тинмайди, бошқаларни ҳам тиндирмайди.

Р.Саъдуллаевнинг ниятлари эзгу: сиратгоҳ ҳудудини ўн олти гектарга етказиш, ҳар бир қаричда гўзаллик яратиш, замонавий бинолар қуриш, Европанинг энг етук жойларидагидан ҳам ўза оладиган сифатли ва ранг-баранг шифо қосоналари барпо этишни дилга жо қилган. — Энг илғор ишчи-хизматчиларингиз кимлар, дея сўрасангиз бошқадан битта жавоб оласиз: «Ўрта ҳисобда 250 чоғли жамоамиз бор. Бири биридан сира қолишмайди...» Сиратгоҳда бунёдкорлик ишлари ҳамон қизгин давом этмоқда. Дам олиш, даволаниш шароитлари йил сайин яхшиланаяпти, аммо юқори раҳбар ташкилотлар ёки бирон-бир хомийдан бир сўм пул сўрала-

нинг шифобахш суви сиратгоҳга жон бахш этиб турувчи қон томирларга ўхшайди. Кўркамлигу сехри роҳатбахшликда тенгсиз бўлган Ўғам дарёси «Хумсон» оёғини ўлиб оқмоқда. Дунёда неча хил арча бўлса ҳаммасидан бор. Хайрон қоласиз, бу ерда жаннат яратилган жазм қилгану, ҳозиргача уни ким давом эттираяпти? Маълум бўлишича, гоёт савобли фаолиятни бошлаган ҳам, ҳозиргача шу ҳаракатлар бошида турган ҳам Раҳматилла исмли йигит экан. У Бўстонликнинг Сижжак қишлоғидан. Шу боис меҳри ҳам ўзгача. Ўзи ҳам тинмайди, бошқаларни ҳам тиндирмайди.

1997 йилдан бошлаб очик акциядорлик жамияти маркази ошган. Айни чоғда сиратгоҳ ҳисоб рақамидан анчагина маблағ бор. Шу ҳисобдан бунёдкорлик ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Қишқи сузиш хавзаси, спорт зали биноларининг биринчи навбатини келгуси йил тугаллаш ҳақида ҳақиқатан ҳам ширин умидлар бор. Шунингдек, маблағ тежалишига имкон яратмоқда. Шароитнинг мутассил яхшиланиши эса сиратгоҳга келувчи талабгорлар сонининг бетўхтов



Бўстонликнинг сиратгоҳи. Ушбу гўшада ёзиб битирган Юнус Ражабий домланинг таъриф-таъсифи бу. Саралаб экилган ва гурқираб ўсаётган арчазорлар, каштанзору биз номларини санаб ўтирмаган хилма-хил кўркам ўсимликлар, гулзору сумбулзорлар!.. Шундоқина тепангиздаги оппоқ қорли тоғлардан отилиб тушаётган Кўрғонсой-

бир яхши томони — ерли халқнинг каттагина қисмини иш билан таъминлаш имконияти яратилар эди. Масалан, олайлик, Ўғам-Чотқол Давлат миллий табиат боғида ҳам шундай туб ижобий ўзгаришлар ясаш имкониятлари бор. Бўстонликдаги энг



Бўстонликнинг сиратгоҳи. Ушбу гўшада ёзиб битирган Юнус Ражабий домланинг таъриф-таъсифи бу. Саралаб экилган ва гурқираб ўсаётган арчазорлар, каштанзору биз номларини санаб ўтирмаган хилма-хил кўркам ўсимликлар, гулзору сумбулзорлар!.. Шундоқина тепангиздаги оппоқ қорли тоғлардан отилиб тушаётган Кўрғонсой-

гўзал худудларни ўз тасарруфига олган бу идорада ўтган ўн йилча вақт давомида неча бор бошлиқлар ўзгараверди-ю, ишда ижобий силжиш сезилмади. Бунга имконият ҳам йўқ эди. Чунки битта худудда бир неча ташкилот ўз ҳолича иш олиб борар, ҳамма жойда бошбошдоқлик, ўзбошимчилик ҳукм сурарди. Энди буларнинг барига чек қўйилиб, худуддаги деярли барча ташкилотлар миллий боғ тасарруфига ўтказилди. Устига-устак бу даргоҳга Бўстонликнинг фидойи инсонларидан бўлган Абдукарим Абдухамидов бош директор этиб тайинланди. Шундан сўнг тез орада ижобий силжишлар сезила бошлади: мустақкам техника базаси яратилаётган, моддий таъминоти ҳам яхшиланаётган миллий боғ эгалари табиат бағрини тўлдиришга, авваллари йўл қўйилган йўқотишлар ўрнини қайта тиклашга астойдил бел боғланлар.

— Бош вазифамиз, аввало, худудимизда тинчлик-хотиржамликни таъ-

сий шиори, — деди Гулсара Ражабова. — Ҳар бир болада қандайдир даражада туғма истеъдод бўлади. Агарда иктидор тарбияланса, у ривожланади. Ногирон болалар орасида бундай иктидорларни топиш ва ривожлантириш мақсадида ушбу марказ ташкил этилган. Бугунги кўрғазмада улар дастлабки синовдан ўтди.

Қўғирчоқларнинг ЭКСКЛЮЗИВ ТОМОШАСИ

Республика Маданият ишлари вазирлиги ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Ўқувчилар Саройида Бельгия труппасининг «Қўғирчоқлик девизи» қўғирчоқ спектакли намойиш этилди. Ушбу спектакл 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий сюжети — Макс ва Лиланинг ажайиб саргузаштла-

ри, икки ўртоқнинг дўстлари — баллиқча Тикани кутқариш учун босиб ўтган мушуқ йўллари ҳақидадир. Сув Маликасини Аждаҳоннинг қорнидан халос қилиш йўлида улар нафақат икки дўстга ёрдам берган ўрмон маликаси ва элфларга, балки тўсиқлик қилишга уринган Қўғирчоқлик девизининг югурдақлари бўлмиш афсонавий мавжудотларга ҳам дуч келишади.

— Александр Ренверс Брюсселда режиссёрликни битириб, 5-6 йилдан бери шу соҳада иш олиб бормоқда, — деди Брюно Юскине. Ушбу спектаклни икки ойдан бери Марказий Осиёнинг Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларида намойиш этдик. Биз спектаклимизни Бухоро ҳамда Самарқандда қўйиб бердик. Сафаримиз Тошкентда тугаяпти. Асосий мақсади — болаларнинг қўнглини кўтариш, уларга хуш кайфият бахшида этишидир.

«Туркистон-пресс»

Хабарлар КУТУБХОНАГА ГРАНТЛАР

Мамлакатимиздаги қатор кутубхоналар турли лойиҳаларда фаол қатнашиб, нуфузли халқаро ташкилотлар грантларини қўлга киритишмоқда. Тошкент вилояти «Турон» кутубхонаси эса бир йўла икита грант соҳиб бўлди.

Очиқ жамият — Ўзбекистон институти кўмак жамғармаси томонидан ажратилган грант ҳисобидан эиё маскани бир неча компьютер курилмасига эга бўлди. Шунингдек, ахборот технологиясига доир мосламалар олинди.

«Кутубхоначилик иши - таълим орқали тараққиётда» деб номланган лойиҳани амалга оширишда вилоят кутубхоналари уюшмаси ҳам ўз ҳиссасини кўшди. Бунинг эвазига алоҳида грант ажратилди.

Бу маблағлар туманлар кутубхоналари моддий-техник негизини мустаҳкамлашга сарфланадиган бўлди.

АДАБИЙ-МУСИҚАЛИ КЕЧА

Фуркат номидаги марказий кутубхона адабиётларга бой. Эиё масканида алоҳида санъат бўлими ҳам ташкил қилинган. Бу имконияти билан у Алишер Навоий номидаги республика Давлат халқ кутубхонасидан кейин иккинчи ўринда туради.

Маданий ёдгорликлар ва тарихий жойларга оид китоблар билан ҳам эиё масканида танишиш мумкин. Ана шу бий адабиётлардан иборат кўрғазма китобхоналар эътиборига ҳавола этилди. Маданий ёдгорликлар ва тарихий жойлар халқаро кўни муносабати билан ўтказилган адабий-музыкали кеча ҳам кўпчиликти яхши таассурот қолдирди.

ШАҲАРСОЗЛИК ИСТИҚБОЛИ

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш шароитида «Ўзбекистонда шаҳарсозлик концепциясини ривожлантириш» деган мавзуда амалга оширилган илмий изланишлар самарали аяқланди. Мазкур долзарб тадқиқотда мамлакатимизнинг шаҳарсозлик фаолиятини жаҳон андозалари талаблари даражасида бўлишини таъминлаш, шу билан қуроллантириш масалалари ҳам ўз ифодасини топди.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти олимларининг жиддий изланишлари маҳсули бўлган ушбу йўриқнома республикамиз худудини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари ҳам ёритиб берилди. Аҳоли яшайдиган жойларда олиб бориладиган қурилишларнинг архитектурасига ҳам эътибор қаратилди.

Шаҳарсозлик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ қатор ечимлар тўғрисида тушунчалар ёритилди. **А.АЛИЕВ.**

БИЛАСИСМИ?

Бундан 45 йил олдин Антарктидада озиқ-овқат омбори топилган эди. Темир банкадаги голланд пишлоғи ўз мазасини тўлиқ сақлаган, уни бемалол еса бўлаверарди.

Аниқланишича, 1910 йилда ишланган бу пишлоқни 1912 йилда Антарктидада инглиз тадқиқотчиларидан бири олиб келган экан.

Шундай пишлоқлар ҳам борки, ўрта минтақа шароитида 10, 20, 30 йил ва ҳатто ундан кўпроқ вақт сақланиши мумкин. Чунинчи, Швецарияда оила хотираси сифатидаги пишлоқ 150 йилча сақланган.

Туя ташналикка энг чидамли ҳайвон сана-либ келинади. Бу жонивор икки ҳафтагача сувламай, кўпчиликни хайратга соларди.

Лекин бу борадаги рекорд бошқа ҳайвонга тегишли эканлиги маълум бўлиб қолди. Мексикадаги олмахонлар сувсиз уч ой яшай оларкан.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси раиси О.Муҳитдиновага укаси

Ҳотамхон АҲМЕДОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят тармоқ қўмиталари Марказий қўмита раиси О.Муҳитдиновага укаси

Ҳотамхон АҲМЕДОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси Хоразм вилояти тармоқ қўмитаси раиси Муассар Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

Дурдипошва ХУДОЙБЕРГАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Тошкент вилояти бош бекатлари ва йўловчи шох бекатлари ишлаб чиқариш қорхонасига қарашли Собир Раҳимов бош бекати жамоаси бекат бошлиғи Аҳрорхожи Урмоновга волидаи муҳтарамаси

ХАЛИМАХОН аянининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Жавоҳирлар сандигидан

ХОЖА АҲРОР ҲИКМАТЛАРИ

Фарзанд ота-онанинг бир бўлагидир. Ҳеч бир ота-она жигаргўшасининг нуқсонли бўлишини хоҳламайди. Вақт ва фурсат ганиматдир. Шунга ўйлаб кўрингки, мендан сўнг бундай сўзларни кимдан эшитаркансиз. Ҳозир ёшлик ва саломатлик пайти бўлиб, маишат асбоби — тирикчилик учун зарурий нарсалар муҳайёдор. Бир-бирингиздан хабардор бўлинг. Агар бу ишларни қила олмай кейин пушаймон бўлсангиз фойдаси йўқ.

Дўстларга касаллиги вақтида мадад қилиш ва оғирини енгиллаштириш яхши ишдир. Мадад икки навъдир: бири, касалликдан

қутулиш учун барча чора-тадбирларни ишга солиш ва иккинчиси, касаллик туфайли бузилган кайфиятини яхшилаш, кўтаришдир. Сўхбатнинг фойдаси чексиздир. Шунинг учун дўстлар билан бўлмоқ ва улар билан сўхбат қилмоқни тарқ этмаслик даркор.

Ешлар таҳсил билан банд бўлиб, уларнинг вақти сарфу наҳв қоидаларини ўзлаштириш билан ўтади. Бундай қоида ёдлашдан уларнинг зехни қойимаслиги учун нима қилмоқ керак? Буюклар айтибди, уларнинг, устоз қоидаларини ўргатгандан сўнг бу тоифанинг ибратли сўз ва шавкли ҳикояларидан сўзласа, яхши бўлар эди.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ОШИҚИНГ!

Ўзбекистон Бадий Академиясининг Кўрғазмалар залида ҳайкалтарош Гулсара Ражабованинг «Яхшилик қилишга ошиқинг!» мавзусидаги кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада Гулсара Ражабованинг ўндан ортиқ асарлари, шунингдек, «Санвикт» маркази ўқувчилари чизган расмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳайкалтарошнинг «Рихси Иброҳимова», «Раҳив Ганди», «Раққоса», «Тонг», «Дам», «Зуля», «Ибн Сино», «Шарқ аёли» каби ишларида унинг ёрқин истеъдоди намойн бўлади. Шунингдек, кўрғазмадан Н. Қосимова, Б. Кашенов, Д. Хикматуллаева каби ёш ижодкорларнинг чизган расмлари ҳам ўрин олди. «Яхшилик қилишга ошиқинг!» — бу сўзлар «Санвикт» марказининг асо-

сий шиори, — деди Гулсара Ражабова. — Ҳар бир болада қандайдир даражада туғма истеъдод бўлади. Агарда иктидор тарбияланса, у ривожланади. Ногирон болалар орасида бундай иктидорларни топиш ва ривожлантириш мақсадида ушбу марказ ташкил этилган. Бугунги кўрғазмада улар дастлабки синовдан ўтди.

Қўғирчоқларнинг ЭКСКЛЮЗИВ ТОМОШАСИ

Республика Маданият ишлари вазирлиги ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Ўқувчилар Саройида Бельгия труппасининг «Қўғирчоқлик девизи» қўғирчоқ спектакли намойиш этилди. Ушбу спектакл 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий сюжети — Макс ва Лиланинг ажайиб саргузаштла-

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Мъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топширди - 21.20

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашр кўрсаткичи:** 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчамини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.